

БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgt.uz, info@uzssgt.uz • 2015 йил 21 август • № 33 (1054)




МУСТАҚИЛЛИКНИНГ НУРАФШОН МАНЗИЛЛАРИДА халқимизнинг улкан бунёдкорлик салоҳияти мужассам

Шу кунларда халқимиз Ватанимиз тарихидаги улуг ва ёрқин сана – Ўзбекистон мустақиллигининг 24 йиллигини кенг нишонлашга катта тайёргарлик кўрмоқда. Ана шу кутлуг айёмни муносиб кутиб олар эканмиз, танланган тараққиёт йўлининг нақадар тўғри ва ҳаётий эканлиги, эришилаётган бемисл ютуқ ва марраларнинг мазмун ва моҳияти, янги демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш борасида амалга оширилаётган ислохотларнинг теран аҳамияти кишини чуқур мушоҳада юритишга ундайди.

Дарҳақиқат, инсоният тарихида мустақилликдан кўра азирроқ ва қимматлироқ ҳеч нарсанинг ўзи йўқ, бўлмайдиган ҳам. Чунки мустақиллик миллатга адолат ва тенг ҳуқуқлик асосида, миллий ғурур туйғуси ва ўзликини англаш негизида янги сиёсий ва ижтимоий келажакни барпо этиш имконини беради. Қолаверса, барча соҳалардаги ўсиш ва ўзгаришлар, халқ ва мамлакатнинг эришиши мумкин бўлган жамики муваффақиятлари, унинг жаҳондаги обрў-эътибори юксалиши, аввало, мана шу омилга чамбарчас боғлиқдир. Бугун Ўзбекистонимиз барқарор суръатлар билан ўсиб бораётгани, қўлга киритган ул-

ролик жамияти қуриш йўлини танлади. Бу борада муҳтарам Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган ва жаҳон ҳамжамияти томонидан “ўзбек модели” деб эътироф этилган мамлакатни ривожлантиришнинг беш тамойили давлат ва жамият ҳаётининг барча жаҳаларини демократлаштириш ва янгилашга йўналтирилган ислохотларнинг муваффақиятини таъминлади.

Бугун қайсики бир гўшага бормайлик, у ердаги бунёдкорлик ўзгаришларини кўриб ҳайратингиз ошади. Бу равон йўллар, ёруғ ва шинам кўприклар, боғлар, хиёбонлар, гўзал ва бетакрор фавворалар, замонавий иншоотлар, тураржойларни кўриб халқимизнинг бунёдкорлик



кан натижаларимизни бутун дунё тан олаётгани, мамлакатимизнинг халқаро майдонда обрў-эътибори ортиб, ўз муносиб ўрнини эгаллаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, миллий муштаракликни ўзида мужассам этган ва ижтимоий бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат, адолатли фуқа-

салоҳиятига тан бермасдан иложимиз йўқ. Барча соҳаларда бўлгани каби тиббиётнинг ҳам ривожланиб, аҳоли саломатлигини яхшилаш йўлида амалга оширилаётган эзгу ишларни кўрганимизда, Ўзбекистон танлаган ушбу йўл нақадар тўғри ва ҳаққоний эканлигига ишончинг ортади. Юртимиз чиройи йилдан-йилга юксалиб, жаҳон ҳамжамиятининг эътиборига сазо-

вор бўлмоқда. Бугун ҳар бир хонадон, ҳар бир гўшада мустақиллик нафаси мужассамлигини кўришимиз мумкин.

Шубҳасизки, халқимизнинг энг буюк бойлиги ҳам миллий қадриятлар, улугвор тарих ва юксак маънавиятини бугунги замон руҳи, илғор ғоялар асосида ривожлантириш ҳамда уни турли тажовуз ва бузғунчи ғоялардан ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Чунки, ҳар қайси миллат ёки халқнинг маънавияти унинг бугунги ҳаёти ва тақдирини, ўсиб келаётган фарзандларининг келажакни белгилашда шакл-шубҳасиз ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бу борада Муҳтарам Президентимизнинг “Инсон ўзлигини англагани, насл-насабини билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отиб, юксала боради. Бу илдиз қанча чуқур бўлса, туғилиб ўсган юртга муҳаббат ҳам шу қадар чексиз бўлади, у ўз тақдирини Ватан равнақи билан боғлиқ, деб билади” деган фикрларни эслаб ўтиш ўринлидир.

Демократик жамият барпо қилаётган ўзбек халқининг улуг

ният ва мақсадлари, буюк орзу ва умидлари миллий ғоямизда тўла мужассам. Халқимизнинг бой тарихий тажрибаси ва замонавий ютуқларига асосланган мафқураси негизини миллий тикланиш ғояси ташкил қилади, десак муболага бўлмайдиган. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ўзбек халқи демократик жамият барпо қилиш, замонавий билимларга эга миллатнинг янги авлодини шакллантириш орқали ўз қаддини ростлашга, ўзлигини англашга, дунёнинг ривожланган давлатлари қаторидан муносиб ўрин эгаллашга интилмоқда. Айниқса, ўзбек ёшларининг барча соҳаларда замонавий билимларни эгаллаётгани, илм-фан, маданият, санъат ва спорт соҳаларида юксак чўққиларини забт этаётгани фикримизнинг ёрқин далилидир. Зеро, буюк аجدодларимизнинг жаҳон цивилизацияси тараққиётига, хусусан, илм-фан, маънавият ва маърифатнинг юксалишига қўшган улкан ҳиссаси бугунги кун авлодларини доимо руҳлантириб туради. Чунки халқимиз ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаган, кам бўлмайдиган ҳам!

Хулоса қилиш мумкинки, инсоният тарихида шундай давр-

лар бўладики, унинг ҳар бир куни, ҳар бир ўзгариши олтин харфлар билан муҳрланади. Биз ана шундай улкан тарихий ўзгаришлар, юксалишлар даврида яшаймиз. Не бахтки, келажакни буюк давлатни барпо этиш, адолатли фуқаролик жамиятини қуриш йўлида амалга оширилаётган изчил саъй-ҳаракатларнинг, демократик ислохотларнинг гувоҳи ва бевосита иштирокчилари бўлиш бахти биз – мустақиллик фарзандларига nasib этди. Бу ҳар биримизни беҳад мамнун этиш билан бирга зиммамизга улкан масъулият ва вазифалар ҳам юклайди.

Бундай улуг давлатни қуриш ўз-ўзидан бўлмаганлиги, халқнинг бахти – йўлбошчисининг машаққатли меҳнати, фидойилиги, миллатпарварлиги эвазига бўлганлигини ҳар лаҳза ёдда тутишимиз, шукрона айтишимиз лозим.

Шуқуҳли кун шукронаси эса эзгу, улуг ишларимизга қанот бўлаверади. Бетакрор, ягона, Она Ватаним – Ўзбекистоним янада гуркираб, ривожланади.

Намоз ТОЛИПОВ.

Мустақиллигимизнинг 24 йиллиги олдидан Бухоро вилояти ТИББИЙ КЎРИҚДА АҲОЛИ ФАОЛ ҚАТНАШМОҚДА

“Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури ижроси доирасида “Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!” шиори остидаги саломатлик ҳафталиги Бухоро вилоятида ҳам бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилган тиббий кўрикнинг навбатдагиси Қорақўл туманида бўлиб ўтди. Унда тажрибали шифокорлар – кардиолог, офтальмолог, терапевт, ортопед, нейрохирург, травматолог, педиатр ва бошқа мутахассислар турли ёшдаги аҳоли вакиллари саломатлигини текширувдан ўтказди.

– Президентимиз раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган изчил ислохотлар самарасини мамлакатимизнинг исталган

худудида кўриш мумкин, – дейди **Республика нейрохирургия илмий маркази директори, тиббиёт фанлари доктори Файрат Қориев.** – Бугун тиббий кўрик ўтказилган Қорақўл тумани кўп тармоқли марказий поликлиникаси ҳам бунга яққол мисол. Инвестиция дастурига мувофиқ қурилган янги бинода мурожаат қилувчилар саломатлигини ўрганиш, тегишли таҳлиллар асосида аниқ ташхис қўйиш учун барча шароитлар яратилган.

Тиббий кўрик давомида пойтахтлик шифокорлар шу ернинг ўзидан бир неча кичик жароҳлик амалиётини амалга ошириш-

ди. Тадбирда тумanning турли ҳудудларидан келган 850 дан зиёд киши чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди. Касаллик аниқланган фуқароларга амбулатория шароитида ҳамда туман, вилоят ва республика шифоналарида даволаниш, 15 нафарига санаторийда саломатлигини мустаҳкамлаш учун тавсия берилди.

– Қишлоқ врачлик пункти шифокорлари ҳолимдан тез-тез хабар олиб туришади, – дейди **“Тожиқент” маҳалласидан 83 ёшли Қурбон Жўраев.** – Пойтахтдан келган шифокорлар соғлигимда жиддий муаммо йўқлиги, фақат бўйин остеохондрози аломати борлигини айтиб, уй шароитида даволанишимни тавсия қилишди. Аҳоли саломатли-



ги йўлида қилинаётган бундай эзгу ишлар учун Юртбошимиздан миннатдоримиз.

Қорақўл тумани кўп тармоқли марказий поликлиникаси бош шифокори Илҳом Хотамовнинг таъкидлашича, тиббий кўрик туман даволаш-профилактика муассасаларининг умумий амалиёт шифокорлари учун ҳам фойдали бўлди. Пойтахтдан келган тажрибали шифокорларнинг кўрикни ўтказиш амалиёти, маҳорат дарслари тажриба мактаби вазифасини ўтади, десам муболаға бўлмайд.

Ҳа, албатта бу каби кенг доирадаги ижтимоий акция инсон саломатлиги ва унинг турмуш фаровонлигига қаратилган экан, бундай хайрли ишлар бардавомлиги ўз маҳсулини бериши шубҳасиздир.



Жиззах вилояти

Бундай хайрли ишлар ташаббускори

Юртбошимиздан миннатдоримиз, – дейди Пахтакор туманида яшовчи меҳнат фахрийси Мавжуда Шукурова.

Жиззах вилоятининг Жиззах тумани кўп тармоқли марказий поликлиникасида мустақиллигимизнинг 24 йиллиги ва Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан бўлиб ўтган саломатлик ҳафталиги доирасида аҳоли чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан “Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!” шиори остида ташкил этилган кўриқда уруш ва меҳнат фахрийлари, оналар ва болалар саломатлигига алоҳида эътибор қаратилди.

– Сўнгги пайтларда кўзим хиралашиб, пойтахтга текширув учун бормоқчи бўлиб юрган эдим, – дейди **Пахтакор туманида яшовчи меҳнат фахрийси Мавжуда Шукурова.** – Малакали шифокорларнинг туманимизга келиб тиббий кўрик ўтказиётгани мушкулимни осон қилди. Республика кўз касалликлари клиникаси врачлари кўзимни текшириб, муолажа тайинлади. Аҳоли саломатлигини ўйлаб амалга оширилаётган бундай хайрли ишлар ташаббус-



кори Юртбошимиздан миннатдоримиз.

Поликлиникада яратилган қулай шароит, замонавий асбоб-ускуналар касалликларни

аниқлаш ва ташхис қўйишда жуда қўл келмоқда.

– Президентимизнинг 2014 йил 1 августдаги “2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳоли-

нинг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғриси-



да”ги Қарори ҳамда “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури ижроси бу каби эзгу ишлар қўламини янада кенгайтирди, – дейди **Жиззах вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари Абдураззоқ Умрзоқов.** – Тиббий кўрик одамларнинг келиб-кетиши учун қулай бўлган ҳудудлардаги му-

ассасаларда ташкил этилмоқда. Жумладан, Арнасой, Дўстлик, Мирзачўл, Фориш ва Зомин туманлари учун алоҳида кўриқлар ташкил этилди. Беморлар рўйхатга олиниб, келиш вақти ва жойи тўғрисида олдиндан хабар берилгани аҳолининг кўриқда фаол иштирок этишида катта аҳамиятга эга бўлди.

Қорақалпоғистон Республикаси

Нукус шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли 2-оилавий поликлиникада аҳоли, шунингдек, кексаларга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш самарали йўлга қўйилган.

Кези келганда тўхталиш жоиз, Президентимизнинг 2014 йил 1 августдаги “2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида”ги Қарори қабул қилиниши бу борадаги ишларнинг янги босқичини бошлаб берди, десак муболаға бўлмайд.

Мазкур қарор асосида мамлакатимизда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасида тиббий ёрдам кўрсатаётган муассасаларнинг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини кучайтириш, замонавий ташхис усуллари жорий этиш, аёллар, болалар ва ўсмирлар касалликларининг олдини олиш бўйича 5 йилга мўлжалланган қатор долзарб

вазифалар белгилаб берилди.

Жумладан, ҳудудда истиқомат қилаётган 26 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ва меҳнат фронти фахрийсига малакали шифокорлар бириктирилган. Жисмоний имконияти чекланган кексаларга уй шароитида тиббий хизмат кўрсатилмоқда. Ҳозирга қадар 446 нафар 70 ёшдан ошган кексалар чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди. Уларнинг саломатлиги шифокорларнинг доимий назоратида.

ЎЗА материаллари ва суратлари асосида тайёрланди.



Истиқлол ёшлари

ЁШ ОЛИМЛАРНИНГ ТАДҚИҚОТЛАРИДА

инсон саломатлигини сақлашдек эзгу мақсад туради

– Сиз мени танимадингиз, шекилли.

– Эсласанми бундан бири бўлсангиз керак.

– Ҳа, худди шундай, 2005 йилда ошқозонимда пайдо бўлган ўсимтани операция қилиб, ҳаётга қайтаргансиз.

Дилшод бу йигитни эслади. Ўшанда у эндигина 18 ёшга тўлган бўлиб, марказга хаво-

бир дардни ўз вақтида давола-са, хавотирга ўрин йўқ. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларга кўра, охириги ўн йилликда сунъий озиқ-овқат маҳсулотларининг кўпайиши, жисмоний ҳаракатнинг камайиши, қўл билан бажариладиган ишнинг технологик ускуналарга юклатилиши, нотўғри овқатланиш, экологик вазиятнинг ёмонлашуви нафақат ўсма, балки юрак қон-

да тўплаган ўзига хос тажрибалари борлигини исботлади.

Онкология соҳаси билан шуғулланаётган юртимиз мутахассисларининг кузатишича, кўрак саратонидан кейинги ўринда меъда саратони туради.

– Марказимизга меъда саратонидан азоб чекаётган кўп беморлар келишади. Биз уларга зарурий ёрдам кўрсатиб, керакли тавсия ва маслаҳатларимизни берамиз. Агар бемор операцияга муҳтож бўлса, унда резервуар 40 см.лик ингичка ичакнинг қирқмасидан ясаиб, олиб ташланган меъданинг ўрнига ўрнатилади. Операция жараёни 3,5-4 соат давом этади. Ҳозирги кунга қадар марказимизда 60 нафар меъда саратонига учраган беморда операция жараёни амалга оширилди. Бундан ташқари, грант лойиҳаси бўйича персоналлаштирилган терапия усули жорий қилинмоқда. Беморда генетик текширув ўтказиб, унинг туғилиши, қандай касалликлар билан оғриши, қон ва сийдик таҳлили, ўсма касаллигининг қайси босқичда эканлиги синчиклаб ўрганилади. Меъда саратонидан тавсия қилинадиган кимё терапия воситаларидан беморнинг генетик текшируви натижасига кўра беморга персоналлаштирилган энг самарадор даво дастури танланади, – дейди ёш шифокор Дилшод Эгамбердиев.

Тиббиёт соҳасида қўлга киритилаётган муваффақиятларимизнинг дунё миқёсида эътироф этилаётганлиги бежиз эмас. Юртимиз мустақилликка эришгач, тиббиёт соҳасига давлат бюджетидан етарли маблағ ажратилаётгани, мавжуд даволаш муассасаларининг моддий-техник базаси яхшиланаётганлиги, шунингдек, шифо масканларининг янги қиёфа кашф этаётганлиги, ноёб аппаратура ва малакали кадрлар билан таъминланаётганлиги даволаш жараёни самарадорлигини ошириш билан бирга, аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифати яхшиланаётганлигидан далолатдир. Юқорида қайд этиб ўтганимиздек, Республика онкология илмий марказининг моддий-техник базаси мустаҳкамлангани боис, бу ерда ўсма касаллигига чалинган беморларни даволаш имкониятлари янада кенгайди. Шифокор-олимлар томонидан халқимиз саломатлигини сақлаш йўлида амалга оширилаётган илмий ва амалий изланишлар кенг қамровли бўлгани учун ҳам онкология соҳасидаги ютуқлар халқаро миқёсда тан олинмоқда. Марказ олимлари дунёнинг етакчи клиникалари ва ташкилотлари билан узвий алоқа ўрнатишган.

Охириги 5 йилда марказнинг 60 нафар ёш мутахассиси Франция, Швейцария, Австрия, Испания, Италия, АҚШ, Сингапур, Финляндия, Индонезия, Нидерландия, Туркия ва бошқа чет давлатларда тажриба алмашиб келишди, 16 нафар ёш олим эса АҚШ, Франция, Сингапур, Германия, Жанубий Корея, Австрия, Чехия, Россия халқаро грантлари асосида малака ошириб қайтди. Ҳар йили марказга 50 дан ортқ чет эллик етук мутахассислар ташриф буюришади. Ёш мутахассисларнинг инглиз тилида бемалол мулоқот қила олиши марказ учун катта имкониятдир. Хорижий мутахассислар иштирокида ўтказилаётган назарий ва клиник онкологиянинг долзарб

муаммолари бўйича ҳар йили 10 дан ортқ илмий-амалий форум ва семинар-тренингни ўтказилиши тадқиқотчи ва шифокорларнинг тажрибаси, илмий-амалий дунёқарашини кенгайтирмоқда. Республика онкология илмий марказида чет эллик етакчи олимлар иштирокида инглиз тилида анжуманлар ташкил қилиниши ҳам бундан мустасно эмас.

бабларини ўрганишга бағишланган грант лойиҳасини қўлга киритдим. Бунга кўра, буйрак усти беши ўсимининг стандартлаштирилган алгоритмларини ишлаб чиқиб, маҳаллий тарқалган касалликни бошдан кечирувчи беморда комбинирланган (зарарланган қўшни аъзоларни кесиб ташлаш) жароҳлик амалиётини эндокринологлар билан маслаҳатлаш-



Суратда: Дилшод Эгамбердиев.



тир билан кириб келган эди. Ўзбекистоннинг жанубий вилояти – Сурхондарёдан дардига даво истаб келган Алишернинг не сабабдан бу дардга чалингани нафақат ёш онкологни, балки бу даргоҳда кўп йиллардан бери фаолият кўрсатаётган фан докторлари ва шифокорларни ҳам ажаблантирди...

Республика онкология илмий марказининг малакали му-

томир, қандли диабет, жигар, буйрак касалликларининг ҳам кўпайишига сабаб бўлмоқда...

Ўзбекистон мустақиллиги йилларида онкологик касалликларни даволаш, таххис қўйиш, беморнинг аҳволини яхшилаш билан боғлиқ комплекс чоратadbирлар белгиланиб, бу жараёнда иқтидорли, изланувчан ва истеъдодли олимлар нимага қодирлигини кўрсатишмоқда. Ана шундай изланувчан, иқти-

– Марказимиз онкологик касалликлар диагностикаси ва даволаш соҳасида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар ичида энг йирик муассасалардан бири бўлиб, назария ва амалиётнинг уйғунлигини кўриш қийин эмас. 18 нафар фан доктори (шундан 6 нафари профессор), 55 нафар фан номзоди бу ерда ўзининг ҳам илмий, ҳам амалий фаолиятини йўлга қўйган. Ёш мутахассислар

ган ҳолда ўтказяпмиз. 10 нафар беморда ўтказилган жароҳлик қўтилган самарани берди. Доимий назоратда турувчи 136 нафар бемор шифокорлар кўригидан тез-тез ўтиб туради.

Онкологик касалланишга боғлиқ вазият бутун дунёда мураккаблигича қолмоқда. Ҳўш, нима қилиш керак? Марказ олимлари ва тадқиқотчиларини бу масала жиддий



Суратда: Ҳамидулла Қодиров.



тахассисларидан бири, Дилшоднинг устози Миржалол Жўраев беморни синчиклаб текшириб кўрди-да, ҳали амалиётда жуда кўп қўлланилмаётган сунъий меъда ўрнатиш операциясини ўтказиш керак, деган хулосага келди. Ҳатто, хорижий давлатларда амалга оширилаётган бу операция орқали беморнинг ингичка ичагидан қирқиб олинган “материал”дан резервуар, яъни сунъий ошқозон яшаш мумкин. Бемор ошқозонида юзага келган ўсмани қирқиб ташлаш учун меъдасидан воз кечиш керак бўлади. Начора, беморнинг аҳволини ўнглаш учун бу тажрибани қўллаш зарур эди. Шундай қилингандагина меъда саратонига чалинган кишининг ҳаётини сақлаб қолса бўлади.

Ҳа, Дилшод Алишернинг саломатлигини тиклашда устозлари билан биргаликда олиб борган муолажаларида ўз ҳиссаси борлигидан хурсанд бўлди. Айни кунда унинг ўз оиласи билан бахтли яшаётганидан мамнун бўлиб, унга нажот бахш этган шифокорлар меҳнатидан бир умр миннатдор эканлигини дилдан ҳис этди.

Кўпчилик “саратон, рак, ўсма” сўзларини эшитса, албатта ташвишга тушади. Асли ҳар

дорли, ёш олимларидан бири Дилшод Эгамбердиев бугунги кунда устозлари раҳбарлигида Республика онкология илмий марказида фаолият юритиб келмоқда. 2003 йилда Самарқанд Давлат тиббиёт институтининг даволаш факультетини муваффақиятли тамомлаган талаба клиник ординатурада онкологик касалликлар йўналишини танлади. Кейинчалик клиник ординатурадан сўнг, у ўз илмий салоҳиятини ошириш мақсадида хужжатларини аспирантурага топширди. 2008 йилда эса тиббиёт йўналиши бўйича ёш мутахассис Президент стипендиати деган шарафли номга сазовор бўлди. Нафақат дунё миқёсида, балки Ўзбекистонда ҳам аҳолининг ўсма касалликлари билан оғриш даражаси йилдан-йилга ошиб бораётгани ёш мутахассисни ҳам ташвишлантирарди.

2007 йилда иқтидорли, ёш олим Дилшод Эгамбердиев Бразилиянинг Сан-Паулу шаҳрида ўтказилган халқаро конгрессда иштирок этиб, “Меъда саратонини даволашда замонавий жароҳлик усули” мавзусида инглиз тилида маъруза қилди. Бу айтишга осон. Лекин Дилшод 70 дан ортқ мамлакат вакиллари иштирок этган халқаро конгрессда Ўзбекистон онкологларининг ўсма касалликларини даволаш-

устоз шифокорлардан онкологик касалликларнинг келиб чиқишидан тортиб, клиник белгилари қандай кечиши, беморнинг умрини узайтириш каби бир-бирига боғлиқ жараёнларни қизиқиб ўрганишмоқда. Улар орасида республика ва халқаро доирадаги грант лойиҳаларини қўлга киритган ёш тадқиқотчи Дилшод Эгамбердиев ҳамда Ҳамидулла Қодировларнинг алоҳида ўрни бор, – дейди марказ директори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Саримбек Наврўзов.

Марказда буйрак усти саратони бўйича илмий тадқиқот олиб бораётган абдоминал бўлимнинг яна бир ёш олими Ҳамидулла Қодиров Испания, Россия, Украина, Санкт-Петербург, Қозғоннинг кўп шаҳарларида бориб, шу йўналишдаги даволаш жараёнлари билан танишиб қайтди. Илмий салоҳият йўлида ўзига хос йўналишга эга бўлган ёш, иқтидорли, етук мутахассис Ҳамидулла Қодиров шундай дейди:

– Буйрак усти беши саратони жуда кўп учрайдиган касаллик тури бўлмагани учун бизда тўлиқ тадқиқот олиб борилмаган. 2011 йилда Республика онкология илмий марказининг клиник ординатурасини тамомлагач, бу касалликнинг келиб чиқиш са-

ўйлантирмоқда. Биринчи навбатда аҳолининг тиббий саводхонлигини ошириш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзи қоидаларини кенг тарғиб этиш орқалигина саратон касаллиги хавфини камайитириш мумкин. Кейинги беш йилнинг ичида “Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!” шиори остида ўтказилаётган тадбирда тор доирадаги барча мутахассислар қаторида онкологик шифокорнинг жалб этилиши муҳим аҳамият касб этмоқда. Оналик ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилган давлат дастурига кўра, скрининг технологияси жорий қилинди. Бунда аёл кўрак беши ва бачадон бўйни саратонига қарши текширилиб, айни пайтда онкологик касаллик хавфи тасвирдан ўтказилади.

Ҳикоя қилганимиздек, пойтахтимиздаги Республика онкология илмий маркази Ўзбекистон аҳолиси ўртасида учраётган онкологик касалликларни эрта босқичда аниқлаш, таххис қўйиш, даволаш, беморга энгиллик яратиш учун моддий-техник жиҳатдан мустаҳкам, илмий салоҳиятли кадрлар тўпланган базавий даволаш муассасаси ҳисобланади.

Ҳулқар КУЗМЕТОВА.

Эътибор ва ғамхўрлик

Тошкент шахри

ФАРОВОН ЗАМИНДА ЯШАШ БАХТИ

Пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги Журжоний маҳалласида соғломлаштириш акцияси ўтказилди. Тадбир "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди.

Аҳоли саломатлигини асраш, оилаларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, халқимизга кўрсатилаётган тиббий-профилактика ёрдамнинг сифати ва самарадорлигини юксалтириш Президентимиз Ислоом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган тиббий-ижтимоий ислохотларнинг муҳим йўналишини ташкил этади.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 1 августдаги "2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги давлат дастури тўғрисида"ги қарори ва "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури доирасида бу борадаги ишлар кўлами янада кенгаймоқда.

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида кенг

қамровли тиббий-ижтимоий лойиҳаларни амалга оширмоқда.

Мазкур акцияни ташкил этишда фонд ҳузуридаги тиббий-ижтимоий марказ мутахассисларига ҳудуддаги 23-оилавий полик-

линика шифокорлари яқиндан кўмак берди. Тиббий кўрикка маҳаллада истиқомат қилувчи аҳоли, жумладан, кексалар, кам таъминланган оилалар аъзолари, фертил ёшидаги аёллар, болалар, ўсмирлар жалб этилди.

Тиббий кўрик давомида репродуктив саломатликни асраш, соғлом фарзанд туғилишига салбий таъсир этувчи муаммолар-



нинг олдини олиш, оилада тиббий маданиятни ошириш, соғлом овқатланиш, кексаларга тиббий патронаж ёрдами кўрсатишда эътибор талаб этадиган жиҳатлар бўйича тарғибот ишлари ҳам амалга оширилди. Кам таъминланган оилаларга бепул доридармон тарқатилди.

– Ёшим саксонда, – дейди **Карим ота Салимов.** – Шунга қарамай, белгиланган вақтда тиб-

бий кўрикка чиқиб, шифокорларнинг тавсияларига амал қиламан. Мустақиллигимизнинг 24 йиллиги арафасида ўтказилаётган бундай тадбирлар Президентимиз раҳнамолигида инсон манфаатларини муҳофаза-лашга йўналтирилган ислохотларнинг муҳим самараси, юртимиздаги тинчлик-тотувлик, фаровонлик ифодасидир.


Баҳор ХИДИРОВА.

Тадбир

Фаргона вилояти

ЖАРРОҲЛИК УСУЛИДА СОҒЛОМЛАШТИРИЛМОҚДА

Фаргона вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида ўзбекистонлик ва сингапурлик шифокорлар юқори лаб ва қаттиқ танглай, юз-жағида тугма нуқсони бўлган бемор болаларни тиббий кўрикдан ўтказмоқда. Кўрик натижаларига кўра, "оғир" деб топилган беморлар жарроҳлик йўли билан соғломлаштирилади.



ҳатдан кўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда.

Президентимизнинг 2014 йил 1 августдаги "2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори бу борада муҳим дастури-

ламал бўлмоқда.

Президентимиз раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган изчил ислохотлар мамлакатимизда ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаш, она ва бола саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди ва Сингапурнинг "Smile Asia" халқаро ташкилоти ўртасидаги ҳамкорлик битими асосида ташкил этилган тиббий кўрик болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, кам таъминланган оилалардаги бемор болаларни ижтимоий ва тиббий жи-

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди томонидан бир қатор ҳамкор ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширилаётган лойиҳалар болалар саломатлигини тиклашда катта самара бермоқда. Жумладан, 2014 йилда вилоятдаги юқори лаб ва қаттиқ танглайда нуқсони бўлган юздан зиёд боланинг саломатлиги тикланди.

Тадбир доирасида Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларидан икки юздан зиёд бола чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилади. Юқори лаб ва қаттиқ танглайда нуқсони бор бемор бола-

лар жарроҳлик йўли билан даволанади.

– Ўзбекистонда биринчи марта бўлишим, – дейди **сингапурлик жарроҳ Кай Жен.** – Аҳоли, айнисқа, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилаётган эътибор, тиббий муассасаларда яратилган шароитларни кўриб, очиғи, ҳавасим келди. Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳасида олиб борилаётган ислохотлар, айнисқа, она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш борасида қилинаётган амалий ишлар халқаро жамоатчилик томонидан кенг эътироф этилиб, ўрганилаётгани бежиз эмас экан. Айни пайтда дунёнинг кўплаб ҳудудларида экологик муаммолар, турли касалликлар, оналар ва болалар ўлими жиддий хавотир уйғотмоқда. Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки йилларданок бу борадаги муаммоларни бартараф этишга устувор аҳамият қаратиб келмоқда. Натижада Ўзбекистон аҳоли саломатлигига ғамхўрлик кўрсатаётган дунёдаги етакчи мамлакатлардан бирига айланди. Биз, Фарғона вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида бўлиб, бу ердаги шароитлардан мамнун бўлдик. Ушбу шифохона болалар соғлигини тиклаш учун замонавий тиббий ускуналар билан таъминланган.

Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ.
Суратлар муаллифи
Муқимжон ҚОДИРОВ. (ЎЗА).



Дил изҳори

БЕМОР ҚАЛБИГА ЙЎЛ ТОПИБ

Юртбошимизнинг "Савоб ишни ҳар куни, ҳар ким қилиши керак" деган пурмаъно сўзларини Тошкент шаҳридаги 1-Марказий клиника шифохонасида даволаниш жараёнида янада теранроқ англаб етдим. Шу боис ҳам беморлар қалбига йўл топишдек олий саодат бўлмаса керак. Зеро, кимнингдир дардига дармон бўлиб, дуосини олиш юксак бахт эканлигини ушбу шифохонада даволаниб чиққач, яна бир бор амин бўлдим.

Даставвал 1-Марказий поликлиникада шифокорлар текширувидан ўтдим. У ерда мени бош шифокор Самат Раҳимов қабул қилиб, саломатлигимдаги жиддий ўзгаришларни тушунтириб бердилар. У кишининг тавсиялари билан менга шифохонада даволанишим учун йўлланма берилди. Мен кўпгина шифо масканларида даволандим. Аммо **1-Марказий клиника шифохонаси**дек баҳаво, саранжом-саришта, гўзал табиати ва манзараси билан беморларга ҳуш кайфият улашувчи бундай бетакрор масканни кўрмадим. Ҳар қадамда озодалик ҳукмрон. Клиниканинг тоза ҳавосидан нафас олар эканман, дардим ҳам бир қадар енгиллашгандек эди. Буларнинг барчаси тасавурида раҳбар салоҳияти ва эътиборининг юксак намунаси бўлса керак, деб ўйладим.

Дарҳақиқат, клиника бош врач, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тиббиёт ходими, тиббиёт фанлари номзоди, доцент Нилуфар Аҳмедова билан суҳбатлашар эканман, саломатлигимга бўлган ишонч, умид учкунлари янада ортди. Мени очиқ чехралик билан кўтиб олиб, касаллигим сабабларини тушунтириб бердилар. У кишининг беморларга нисбатан ширинсуханлик билан муомала қилишлари, раҳбарга хос одоби ва эътибори нафақат мени, балки барча беморларни ҳам бирдек қувонтириши табиий. Мен клиниканинг терапия бўлимида даволандим. Бўлимнинг олий тоифали шифокори Хайринисо Болтабоева ҳақида қанча гапирмайлик озлик қилади. У киши ўз билими ва кўп йиллик тажрибаси билан мени қайта текширувдан ўтказиб, соғлигимни тиклашга бор куч ва имкониятларини аямади. Клиника раҳбари Н. Аҳмедованинг ширинсуханлик ва оқиллик билан бўлимларда яратган соғлом муҳитлари туфайли барча беморларда мамнунлик ҳисси борлигини кўрдим.

Шу фурсатдан фойдаланиб, поликлиника бош шифокори **Самат Раҳимов**га, 1-Марказий клиника шифохонаси бош врач **Нилуфар Аҳмедова**га, терапия бўлими шифокори **Хайринисо Болтабоева**га ҳамда бир-биридан қақрон ҳамшира қизларга дил изҳоримни билдираман. Уларни Мустақиллигимизнинг 24 йиллиги билан самимий қўтлаб, халқимиз саломатлиги йўлидаги эзгу ишларида зафарлар тилайман.

Ҳикоят ТОЛИПОВА,
Навоий вилояти, Кармана тумани.

Ҳамкорлик ришталари

КОРЕЯЛИК ШИФОКОРЛАР — АНДИЖОНДА



Андижонда Жанубий корейлик бир гуруҳ тажрибали шифокорлар томонидан тиббий кўрик ўтказилди.

Президентимиз раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимида ислоҳ қилиш жараёнида тиббий хизмат сифати ва самардорлигини юксалтириш, тиббий муассасалар моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, халқаро тиббиёт муассасалари билан ҳамкорликни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича бир қатор лойиҳаларни амалга оширмоқда. Шулардан бири халқаро ҳам-

корлик доирасида бемор болаларни нуфузли хориж клиникаларида даволатишдир. 2014-2015 йиллар давомида Германия ва Жанубий Кореядаги машҳур клиникалар билан ҳамкорликда тугма юрак нуқсонлари бор, қўл-оёқ бўғимлари, терининг куйиш асоратлари ва бошқа ташхислар билан оғриган бемор болалар даволанди.

Фонд ва Корея Республикасининг “Ewha Womans University” госпитали ўртасида тузилган ҳамкорлик битими асосан, Андижон вилояти болалар кўп тармоқ-

ли тиббиёт марказида ўтказилаётган тиббий кўрик тадбирлари ҳам ана шу йўналишдаги ишлардан биридир.

– Тўрт кун давомида Жанубий корейлик шифокорлар томонидан тиббий кўрик ўтказилди, – дейди Андижон вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Қудратбек Ёркулов.

– Тиббий кўриқдан ўтаётган фуқаролар саломатликлари бўйича улардан зарур тавсия ва маслаҳатлар олдилар. Тадбирлар ортопед, кардиолог, алерголог, терапевт, стоматолог каби малакали шифокорлар томонидан олиб борилди. Тиббий текширувлар Жанубий Кореядан келтирилган замонавий жиҳоз ва асбоблар ёрдамида ўтказилаётгани кўриқнинг янада самарали ўтишини таъминламоқда.

– Мақсадимиз – аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга кўмаклашиш, Ўзбекистон шифокорлари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш, ўзаро тажриба алмашишдир, – дейди профессор Шин Санг Жин. – Ўзбекистонда биринчи бор бўлишим. Юртингизда тиббиёт соҳасида салмоқли ютуқларга эришилмоқда. Ўзаро ҳамкорлигимиз кутулган самарани беришига ишонаман. Гуруҳимиз таркибига бир қанча шифокор талабалар ҳам жалб этилган. Бу ерда бўлажак шифо-



корлар билан фикр алмашиб, илмий мулоқотда бўлиш улар учун фойдадан холи бўлмайди.

Тиббий кўриқнинг биринчи кун меҳмонлар вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази фаолияти билан танишди. Андижон Давлат тиббиёт институти профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан учрашув ўтказди.

– Гапиришда нуқсонли борлиги учун доимий равишда даволаниб келаётган набирамни тиббий кўриққа олиб келдим, – дейди Избоскан тумани Эркин қишлоғида яшовчи меҳнат фахрийси Ўғилхон Ҳамроқулова. – Хорижлик шифокорлар

зарур тавсия ва маслаҳатлар беришди. Уларнинг тавсиялари билан набирам тузалиб кетишига ишонаман.

Инсонпарварлик акцияси тарзида ўтказилаётган бу каби тадбирлар аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббий хизмат сифатини оширишга кўмак бериш билан бирга, юртимизда аҳоли саломатлиги эътибор ҳаммаша оқори эканлигининг ёрқин ифодасидир.

Фахриддин
УБАЙДУЛЛАЕВ.
Суратлар муаллифи
Зухриддин УМУРЗОҚОВ.
(ЎЗА).

Спорт

ПОЮЩИЕ СТРЕЛЫ

Зоркость и внимание – одни из главных способностей, которыми должен обладать каждый спортсмен желающий добиться высокого результата в таком виде спорта как стрельба из лука. В Республиканском колледже Олимпийского резерва прошел чемпионат Узбекистана по стрельбе из лука среди юниоров. Каждый из участников должен был выполнить 36 выстрелов на дистанции с 30-ти и 50-ти метров, а затем по результатам стрельбищ – бороться за призовые места. Спортсменам пришлось проявить себя: в личном первенстве, в смешанных парах (юноши и девушки), в командном зачете. Приняли участие в чемпионате и параолимпийцы из города Ферганы Абдулазиз Тоиржонов и Тавакким Номонжонов. Они усердно трениро-

вались под руководством Салима Умбарова и показали на чемпионате хорошие результаты, несмотря на то, что в секции “Стрельба из лука” занимаются всего один год. Тавакким постарался достойно пройти все требования соревнования и получил диплом участника.

В результате личного первенства в КО-II 1 место среди девушек заняла спортсменка из Самарканды Мадина Акрамова, а среди юношей – ферганец Шахбоз Хаджибеков. Призовое 2 место среди юношей выиграл участник из Ташкента Сардор Рустамов, у девушек – Халима Шермамова. 3 место у Шерзода Абдулхаева из города Ташкента. А в командном зачете 1 и 3 место заняли команды из Ташкента, 2 место – спортсмены из города Ферганы.

ДОРОГУ ОСИЛИТ
БЕГУЩИЙ

Так уж получилось, что жизнь сотворила злую шутку с маленьким Худойшукуром Раджабовым – лишила его рук, но силу духа не сломила. Назло всем, кто посчитал его обреченным, парень поступил в Республиканский художественный колледж города Ташкента на отделение: “Станковая живопись”. С детства Худойшукур увлекался рисованием и вот уже сейчас активно принимает участие в художественных выставках. Но этого показалось

мало молодому художнику. Он решает заняться спортом, чтобы укрепить свое здоровье и поднять моральный дух. Узнав о том, что в спортивно-оздоровительном центре “Чилонзар” есть такой замечательный тренер как Рашид Сафариев, занимающийся с людьми с ограниченными возможностями, Худойшукур решает тренироваться у него в секции “Бег”.

– Знаю, что мои резервы в беге пока маловаты, – говорит Худойшукур Раджабов, – но от-

ступать не хочу и не буду. За время прошедших трех месяцев я почувствовал себя намного лучше. Появилась выносливость, мышцы стали крепче, улучшился аппетит и хорошее настроение. Теперь 100 метров я пробегаю за 10,55. И это только начало. Есть огромное желание участвовать в соревнованиях, поэтому стараюсь не пропускать тренировки.

А. ПОПОВ.
Фото автора.

Я, Евгения Ивановна Дмитренко, ветеран Труда, в своем письме хотела бы выразить слова искренней благодарности всему персоналу Республиканской стоматологической поликлиники.

2-го июня текущего года я обратилась в стоматологическую поликлинику для протезирования верхней и нижней челюстей. По приходу в поликли-

Благодарность

Спасибо за заботу и участие

нику меня пригласили в кабинет заместителя главного врача Закие Абасовой. Она, осмотрев меня, сразу направила к опытному стоматологу-ортодонту Нигмату Хикматуллаеву. Специалист с первых же слов расположил к себе. Тщатель-

но осмотрев меня, расспросил о состоянии здоровья. Поначалу, для подготовки ротовой полости для протезирования, мне было назначено лечение зубов. Опытным стоматологом Ферузой Хашимовой мне была оказана качествен-

